2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

20 (622)

2008 йил 14 май

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

«Зардўз Нурхон» кашталари доврўғи Францияга ҳам етди

Даъвоингиз ўринлими, маҳалладош?!

3

Томорқада экин бисёр — рўзғорда барака бор

Ҳинд навоси Хоразм «Лазги»сига ҳамоҳанг бўлди

4

Балиққа қармоқ ташлаш — нафс муддаоси...

Костя Цзю Жеки Чанни «дуэл»га чақирибди-я...

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлаб «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва уни амалга ошириш механизми» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Анжуманни мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 май куни имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилаётган улкан эътиборнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлганлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда Парламент томонидан Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ва Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни ратификация этиш ҳақидаги қонунларнинг қабул қилиниши ҳам бола ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида муҳим қадам бўлганлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган ёш авлоднинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, касб маҳоратини ошириш ҳамда маънавий баркамоллигини моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, мунтазам спорт билан шуғулланишларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларнинг аҳамияти ҳақида ҳам эътироф этилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар болалар ҳуқуқларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг долзарб вазифалари ва уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясида давлат тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, «Соғлом авлод учун», «Болалар жамғармаси» каби нодавлат ташкилотларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратдилар.

Конференция қатнашчилари «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш механизмлари юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Наргис БЕРДИБОЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

"Баркамол авлод — 2008"

МЕЗБОНЛАР МУСОБАҚАНИ ЎТКАЗИШГА ШАЙ

"Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларининг бу галги мезбони — Қорақалпоғистон Республикасида мусобақани кўнгилдагидек ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрилди.

Яна саноқли кунлардан сўнг, яъни 17 май куни старт оладиган мазкур спорт байрами беллашувларининг бир қисми Нукус шаҳрида ўтказилади. Бу ердаги мавжуд 28 та спорт иншоотлари, меҳмонхоналар, ошхонаю тиббиёт масканлари мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрадиган касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларда таҳсил олаётган ёшларни, уларнинг мураббийлари ва мусобақа ҳакамларини кутиб олишга мунтазир. Мусобақанинг тантанали очилиш маросими шаҳардаги Турон ўйингоҳида бўлиб ўтади.

— "Баркамол авлод — 2008" ўйинлари доирасида чемпионлик учун кечадиган баҳсларнинг асосий қисми бизнинг маҳалламиз ҳудудидаги замонавий ўйингоҳларда ўтади, — дейди Турон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Абдураим Отабоев. — Спорт мусобақалари арафасида 28 та кўчанинг барчаси ободонлаштирилди. 6 та кўча янгидан асфальтланди. Маҳалламиз ёшларининг ташаббуси билан ҳудудимизда истиқомат қилаётган 810 оиланинг вояга етган ҳар бир аъзоси ўртача 10 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказди.

"Баркамол авлод — 2008" ўйинларининг босқичлари Тахиатош шаҳри ва Хўжайли туманидаги 20 та спорт иншоотида ҳам бўлиб ўтади. Хусусан, футбол мусобақалари ўтказиладиган Хўжайли шаҳридаги 4 минг нафар томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ, шаҳар тиббиёт коллежидаги 120 ўринли меҳмонхона, ошхона, дам олиш маркази, Тахиатош шаҳридаги 4 та спорт иншооти мусобақага аллақачон тайёр қилиб қўйилган.

"Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларининг юқори савияда ўтиши, унда иштирок этаётган икки ярим минг нафарга яқин ўғил-қизнинг мусобақалардан бўш вақтларини мароқли ўтказиши учун барча қулайликлар яратилган. Айни кунларда Оролбўйига ташриф буюраётган мусобақа иштирокчилари кўтаринки рухда кутиб олинянти.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Бизнинг Дилшод Жасланни енгибди-ку!..

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 май куни Оқсаройда Индонезия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳасан Вираюдани қабул қилди.

— Ташрифингизни ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш ва қизиқиш муштарак эканининг яна бир ифодаси сифатида қараймиз, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида узоқ масофа бўлишига қарамай, бизни тарихий ва маънавий яқинлик, ягона дин бирлаштириб туради.

Индонезия Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Президент Ислом Каримов ташриф буюрган дастлабки хорижий давлатлардандир. Ушбу ташриф асносида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилгани ўзаро ҳамкорликка оид, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкон яратмоқда.

Индонезия Ўзбекистоннинг Жануби-шарқий Осиёдаги муҳим иқтисодий шерикларидан. Юртимизда индонезиялик сармоядорлар билан биргаликда тузилган «Uzbekistan International» (телекоммуникация соҳасида маркетинг хизмати), «PT Hikman Albros» (меҳмонхона хизмати) каби корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Табиий ресурслар борасида Индонезия ҳам Ўзбекистон сингари катта имкониятлар ва тажрибага эга. Ушбу мамлакатда нефть, табиий газ, кўмир, қалай, мис, никель, олтин қазиб олинади. Шуни инобатга олиб айтиш мумкинки, табиий бойликларни ўзлаштириш соҳасида Ўзбекистон—Индонезия ҳамкорлигининг истиқболи порлоқ.

Индонезия халқи Ўзбекистондаги тарихий обидаларга улкан қизиқиш билан, буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросга катта ҳурмат билан қарайди. Айни пайтда халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва янги мазмун билан бойитишга «Ўзбекистон—Индонезия» дўстлик жамияти муносиб ҳисса қўшмоқда. 1997 йилда Самарқанд ва Бандаачех шаҳарлари ўртасида Бирадарлик алоқалари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланган. 2001 йилдан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида Индонезиядаги умуммиллий тил — бахаса индонесиа тилини ўрганиш маркази фаолият кўрсатмоқда.

Ҳ.Вираюданинг ташрифи асносида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум имзолангани Ўзбекистон ва Индонезия барча соҳаларда ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш тарафдори эканидан далолатдир.

Индонезия Республикаси ташқи ишлар вазири самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Индонезия Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

15 май – Халқаро оила куни

МУҚАДДАС МАСКАН

Оила — жамиятнинг кичик бўғини, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказувчи табаррук маскан. Шу боис халқимиз азалдан ушбу мўътабар даргоҳни эъзозлаб, унинг жамият ҳаётидаги мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келади.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида Халқаро оила кунига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди. Унда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари, вазирлик, идора, ишлаб чиқариш муассасалари вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г.Аъзамова соғлом оилани шакллантириш, оилалар мустаҳкамлигини ва манфаатларини, соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканини алоҳида таъкидлади.

Юртимизда оилаларни ҳуқуқий, тиббий ва ижтимоий ҳимоялашнинг ўзига хос тизими шаклланган. Айниқса, ёш оилаларга муносиб турмуш шароитини яратишда кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилаётир. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ушбу йўналишда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 32 квартирали иккита кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди, 6,7 миллиард сўмлик ипотека, 4,5 миллиард сўмлик истеъмол кредити ажратилди.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёш оилалар учун 67 кўп қаватли турар жой биносини барпо этиш ишлари давом этаётир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги тузилмалари бу борадаги ишларга яқиндан кўмаклашиш мақсадида қирқдан зиёд «Бунёдкор ёшлар» қурилиш отрядини тузиб, уларга олти юздан кўпроқ қурувчи ёшларни жалб этди.

Юртимизда Халқаро оила кунини муносиб тарзда нишонлаш, бу жараёнда халқимизнинг миллий қадриятлари, оилани эъзозлашга йўналтирилган урф-одат ва маросимларимизни янада кенгроқ тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тегишли молия муассасалари, олий таълим масканлари ва кўргазма компаниялари билан ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошираётир.

Ана шундай тадбирлардан бири оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси, тўй ва бошқа миллий маросимларимизнинг ўзига хос тарбиявий хусусиятлари, бу жараёнда кийиладиган миллий либосларимиз намойишига бағишланади. 16-18 май кунлари пойтахтимиздаги «Наврўз» мажмуасида бўлиб ўтадиган ушбу тадбир улғайиб келаётган авлодни жисмонан етук ва соғлом этиб тарбиялаш, йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

* * *

Халқаро оила кунига бағишланган яна бир тадбир Тошкент темирйўл муҳандислари институтида бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда профессор-ўқитувчилар, талабалар, ёшлар ташкилотлари фаоллари иштирок этди.

Унда юртимизда ёш оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар, уларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш борасидаги қулайликлар хусусида фикрлашилди. Ёшлар ташкилотларининг талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш билан боғлиқ лойиҳалари доирасида амалга оширилаётган ишлар самараси таҳлил этилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Юртимиз спортчилари довруғи

ФАХРИЙЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Кипрнинг Лемасол шаҳрида кикбоксинг бўйича ўсмирлар ва фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз финалда куч синашди.

Фахрийлардан Ғуломиддин Саидаҳмадов ҳамда Шавкат Азизов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратди ва жаҳон чемпиони бўлди. Ўсмирлардан Жамшид Мирзаолимов эса кумуш медални қўлга киритди.

ДИЛШОД — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Россиянинг Махачқалъа шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин ва иккита бронза медални қўлга киритди.

Мусобақада 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров финал учрашувида қозоғистонлик Жаслан Мухторбековни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Адҳам Очилов ва Абдул Аммаев мусобақани учинчи ўринда якунлаб, терма жамоамиз ҳисобига биттадан бронза медаль келтирди.

Наманганда Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига кирган эркаклар ўртасидаги "Фьючерс" халқаро турнири бошланди. Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган ракетка усталари иштирок этаётган мусобақада биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган теннисчилар аниқланди.

ТЕННИС УСТАЛАРИ — НАМАНГАНДА

Нуфузли турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган теннисчилардан Рифат Биктяков иккинчи босқич йўлланмасини қўлга киритди. Ўсмирлар ўртасидаги бир неча халқаро турнирларда ғолиб чиққан Р.Биктяков катталар ўртасидаги халқаро турнирнинг дастлабки учрашувида ўз ҳамюрти Шоғафур Шофайзиевни 6:2, 6:2 ҳисобида доғда қолдирди.

Яккаликлар ўртасидаги қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Крис Итон (Буюк Британия) – Сарвар Икромов (Ўзбекистон) 7:6, 6:3, Александр Слабински (Буюк Британия) – Вирапат Доакмаикли (Таиланд) 6:4, 6:1, Декел Валтэер (Исроил) – Александр Ярмола (Украина) 6:1, 7:5, Кенто Такеуши (Япония) – Дмитрий Ситак (Россия) 7:6, 6:4.

Халқаро турнирнинг жуфтликлар ўртасидаги беллашувларида америкалик Натан Томпсон ва Райан Янг, Хитой Тайпейи вакили Ти Чен ва германиялик Себастян Рейшик, россияликлар Михаил Фуфигин ва Виталий Решетников, Александр Красноруцкий ва Андрей Куманцев, украиналик Сергей Бубка ва Владислав Клименко дуэтлари мусобақани давом эттирадиган бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Тошкент шаҳри

ОЛМАЧИДА ҚАДР ТОПГАН ФАХРИЙЛАР

Олмачи маҳалласи Мирзо Улуғбек туманида жойлашган фуқаролар йиғинлари орасида ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Аҳолиси кўпмиллатли. Ўнлаб миллат вакиллари маҳаллада иноқликда яшашади.

Маҳалла йиғини кенгашида, унинг комиссиялари таркибида ҳам турли миллат вакиллари ҳамжиҳатликда ишлашади. Бу ҳамжиҳатликнинг самараси яқинда, маҳаллада 9 май — Хотира ва қадрлаш куни нишонланганда, бу санага бағишланган тадбир жуда мазмунли ва уюшқоқлик билан ўтганда яққол сезилди.

— Маҳалламизда уруш ва меҳнат фахрийлари анчагина, — дейди йиғин раиси Рустам Бобожонов. — Уларни фақатгина байрам тадбирларида эмас, балки мунтазам равишда йўқлаб турамиз. Бу борадаги тадбирларда фаолларимиз ташаббускор. Бунинг устига, бу фахрийларимизнинг ўзлари ҳам маҳалла йиғини ишига бефарқ эмаслар. Йиғинга келиб, ўз таклифлари билан бизга кўмаклашиб ҳам туришади.

Шу кунги байрам тадбирида маҳалланинг кайвони кексалари, хусусан, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этишди. Уларга туман ҳокимлиги, ҳомийлар томонидан ҳозирланган совғалар топширилди.

Моҳичехра ЛАТИПОВА

Фармон берган имкон

МЕҲНАТ — УЙДА, ФОЙДА — ЎРТАДА

бундан ҳам касаначи, ҳам корхона наф кўрмоқда

Қашқадарё вилояти

"Дилшода" ишлаб чиқариш корхонасининг тикувчилик цехи Наврўз маҳалласи ҳудудида жойлашган. Қисқа вақт ичида бу ерда уй юмушлари билан банд бўлган 15 нафар хотин-қиз тикувчиликка жалб қилинди. Улар "Бешкент пахта тозалаш" ОАЖ ҳамда туман марказий шифохонаси билан шартнома тузиб, уй шароитида меҳнат қилишяпти.

— Касаначи сифатида иш бошлаганимга икки йил бўлди, — дейди Нодира Ғаниева. — "Дилшода" ишлаб чиқариш корхонаси томонидан етказиб берилаётган матолардан турли бичимдаги кўйлак, парда, чойшаблар тайёрлаб бераяпман. Бу рўзғоримизга ҳам қут-барака келтирди.

Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг ижроси Қарши туманида ҳам уй меҳнати билан шуғулланиб, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фарзандларда меҳнат кўникмасини ҳосил қилиш, меҳнатга бўлган муносабатни яхшилаш имконини бермоқда. Туман бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида касаначилик асосида 66 та иш ўрни яратилиши белгиланган эди. Эътиборлиси, ушбу вақт давомида аҳолининг талаб ва таклифлари инобатга олиниб, 90 киши иш билан таъминланди. Уларнинг 68 нафари эса хотин-қизлардир. Айни пайтда касаначилар "Бешкент пахта тозалаш" ОАЖ, "Қаршиёғ-экстракция" ОАЖ, Қарши бош канал ирригация тизими бошқармаси, "Юлдузчевар", "Дилшода" хусусий корхоналари билан шартнома асосида меҳнат қилишмоқда.

— Уй меҳнатининг афзаллик томони шундаки, турли сабабларга кўра доимий иш билан банд бўлиш имкониятига эга бўлмаган кўп болали оилаларнинг аъзолари, хотин-қизлар ва ногиронлар вақти ва шароитига қараб иш билан таъминланади, — дейди туман бандликка кўмаклашувчи марказ директори Фозил Нормуродов. — Биз жорий йилнинг иккинчи чорагида қўшимча равишда яна 50 та иш ўрни яратмоқчимиз.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" мухбири.

ТИЗИМ ХОДИМЛАРИ УЧУН ЯНГИ НАШРЛАР

Мустақиллик йилларида маҳалла демократия институти сифатида тан олинди. Фуқаролик жамиятини шакллантириш тамойиллари асосида давлат ҳокимиятининг муайян вазифалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб келинмоқда. Эндиликда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари давлат ва жамият бошқарувида тўғридан-тўғри иштирок этмоқда. Республика «Маҳалла» жамғармаси қошидаги «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази томонидан нашрга тайёрланган «Маҳалла фуқаролар йиғини тизимининг намунавий тузилмаси ва иш юритиш услублари» тўпламининг (Тошкент, 2007) муқаддимасида шу ҳақда сўз боради.

Тўпламда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши шакллари, ҳуқуқий асослари ҳамда фуқаролик жамиятини қуришдаги роли, Ўзбекистонда истиқлол йилларида ўзини ўзи бошқариш тизимининг шаклланиши, уни босқичма-босқич ислоҳ қилиш йўллари, маҳалла фуқаролар йиғини ва унда иш олиб бораётган турли йўналишдаги комиссиялар фаолияти ҳам атрофлича ёритиб берилган. Шунингдек, фуқаролар йиғини, унинг кенгаши, йиғин раиси, масъул котиб, йиғин қошида ташкил этилган комиссиялар, ҳомийлик кенгаши, маҳалла посбони иш фаолияти, маҳалла — оила — мактаб (лицей, коллеж) ҳамкорлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, профилактика назири, солиқ инспекцияси, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан алоқаларнинг моҳияти ҳамда аҳамияти тушунарли ва содда тарзда баён этилган. Маҳаллада хотин-қизлар билан ишлаш, спорт ишларини ташкил этиш, жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолият таҳлили ва талқини нашрнинг муваффақиятини таъминлаган омиллардандир.

Бундан ташқари, тўпламда маҳалла фуқаролар йиғини тизимининг намунавий тузилмаси, маҳаллада масъул котиб томонидан юритиладиган ҳужжатларни қайд этиш дафтарларининг намуналари келтирилган, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг иш усуллари каби муҳим йўналишлар чизма ҳамда жадваллар орқали тушунтирилган. Шу билан бир қаторда уй бошлиқлари тўғрисидаги намунавий низом матни ва маҳалла фаолиятига доир кўплаб маълумотлар, диаграммалар ҳам илова қилинган.

Президентимиз демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан бориш асосий вазифамиз эканини таъкидлаган эди. Албатта, ҳаётимизга кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислоҳотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлаши, фаоллиги, дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалиши билан боғлиқ. Республика «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида нашрга тайёрлаган яна бир янги нашр — «Ҳуқуқ ва бурч — ютуқлар гарови» рисоласи (Тошкент, 2007) ана шу нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга.

«Маҳалла» жамғармаси фаоллари ва бир гуруҳ олимлар мақолаларидан иборат мазкур рисолада демократик давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари боришда маҳалланинг ўрни, бозор муносабатлари шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнат шартномалари ҳақида сўз юритилади.

Юқорида қайд этилган ҳар икки нашр фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва маҳалла фаоллари учун амалий қўлланма сифатида тавсия этилган. Ишончимиз комилки, ушбу қўлланмалар маҳаллаларимизнинг тинчлик-осойишталигини таъминлаш, уларнинг равнақи ва гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиш, айниқса, Ёшлар йилида фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек хайрли ҳамда масъулиятли ишларнинг бошида турган фидоий юртдошларимиз учун зарур назарий-ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилади.

Холида САИДОВА, Тошкент Давлат юридик институти аспиранти.

Андижон вилояти

МАДАНИЯТлик касаначилар муваффақияти

Пахтаобод туманидаги «Маданият интернейшнл» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотларига талаб кундан-кунга ортмоқда.

Мазкур корхона Россия, Чехия, Германия, Японияда ишлаб чиқарилган энг замонавий технологик жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Етмиш нафардан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилаётган корхона буюртма асосида йигирма турдан ортиқ тайёр кийимлар ишлаб чиқармоқда.

Ўтган йили бу ерда 17 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланди. Жорий йилда бу кўрсаткични 20 миллион сўмга етказиш, корхонада иқтисодий самарадорликни ошириш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Жамиятда касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам талай ишлар олиб бориляпти. Ҳозирга қадар 10 нафардан ортиқ хотин-қиз касаначи сифатида ишга қабул қилиниб, ўз уйларида буюртма асосида маҳсулот тайёрламоқда.

СУРАТДА: *Пахтаобод туманининг Маданият қишлоғидаги «Маданият интернейшнл» масъулияти чекланган жамияти тикувчиси Ойиста Эгамова.*

Шуҳрат ОЛИМОВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

Наманган вилояти

«Mahalla»да ёшлар ҳаёти

«ИСТИҚЛОЛ ЭГАЛАРИ»

Наманган шаҳридаги «Ал-Машриқ» тантаналар мажмуасида «Истиқлол эгалари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ва вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда ўз билими ва иқтидори, ижтимоий фаоллиги билан қатор ютуқларга эришиб келаётган талабалар, юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркор ёшлар ва маҳаллалардаги намунали ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари, жами 200 нафар йигит-қиз иштирок этишди.

Тадбирда бугуннинг энг долзарб муаммоларидан саналган гиёҳвандлик ва ОИТС, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий, тиббий билимларини ошириш масалалари муҳокама этилиб, бу борада мутахассислар зарур маслаҳатларни беришди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган ёшлар ҳам бу борада фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Абдурасул РАҲМОНОВ, «Маҳалла» жамғармаси Наманган вилояти бўлими масъул ходими.

Иш билганга балли

НУРХОН ОПА ЖИЛО БЕРГАН НАҚШЛАР

нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларнинг ҳам эътирофини қозонмоқда

Бундан ўн икки йил бурун Бухоро шаҳрида бор-йўғи тўрт нафар ходим билан фаолият бошлаган "Зардўз Нурхон" хусусий фирмасида бугун юз нафардан ортиқ қиз-жувон меҳнат қилмоқда. Уларнинг нозик бармоқларида бетакрор безаклар билан нақшланган зардўзи буюмларга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта.

— Дастлаб ишлаб чиқарган ҳунармандчилик буюмларимиз Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишлаб 1997 йилда ташкил этилган кўргазмаларда намойиш қилинган эди. Кейинчалик янги бунёд этилган Ўзбекистон Давлат консерваторияси биносининг саҳна безакларини, "Бухоро" концерт зали ва Наманган вилоятидаги Алишер Навоий номидаги театрнинг заллари учун зардўзи пардаларни тикдик. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси учун давлат рамзларини ҳам зардўз қизларимиз тикишган, — дейди "Зардўз Нурхон" фирмаси раҳбари Нурхон Эргашева.

Тадбиркор 2004 йилда банкдан 2 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, уни фирма фаолиятини кенгайтириш йўлида сарфлади. Натижада бугунги кунда вилоятдаги Вобкент, Шофиркон, Ромитан ва Ғиждувон туманларида "Зардўз Нурхон"нинг филиаллари мавжуд.

Зардўзлик цехида кўргазмага қўйилган "Лайли ва Мажнун", "Қизлар" миниатюралари ҳар қандай нозик дидли кишини ҳам ўзига ром этади. Уларни зардўзлик фирмасининг қизлари Шаҳноза Шерназарова, Саида Бўронова ва Фируза Тўлаевалар биргаликда яратишган. Зардўз қизларнинг меҳр нурлари мужассам бўлган ишларда бухороча анъанавий "заминдўзи" йўналишидан анча фарқланадиган услубни кузатиш мумкин. Оппоқ зар матоларда бўртиб турган гуллар, одатдагидан каттароқ ўлчамдаги нақшлар ўзгача жозиба касб этиб турибди.

Зардўз опанинг турмуш ўртоғи Одил Ахтамов фирма юмушларининг бир қисмини ўз зиммасига олган. У тайёр зардўзлик маҳсулотларини маҳаллий савдо расталарига ва хорижлик мижозларга етказиб беришда бош-қош бўлади. Хусусан, яқинда Россия, Франция ва Афғонистон каби хорижий давлатлардан тушган катта миқдордаги буюртмалар фирма томонидан аъло даражада тайёрлаб берилди.

Нурхон опанинг ўзи айтганидек, зардўзлик ҳунарини ўрганиб кам бўлмади. Рўзғори бут. Яхши ниятлар билан фарзандларини улғайтиряпти. Ўтган йили "Ташаббус—2007" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Тадбиркор аёл" номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Қолаверса, унинг сулоласида зардўзлик ҳунарининг давомчилари кўп. Жумладан, ҳунарманднинг қизи Нигина ўтган йили "Келажак овози" ёшлар кўрик-танловининг "Тасвирий ва амалий санъат" номинацияси бўйича республика босқичи ғолиби бўлган эди.

Моҳигул НАЗАРОВА

...«Леди» ҳафталик газетасининг шу йил 8 майдаги 19-сони биринчи саҳифасида «Муҳокама қиламиз: «Маҳалла нима учун керак?» деган анонсни ўқиб, одатда хориж киносанъаткорлари, қўшиқчилари ҳаёти, ишқий романлар, аёллар учун саломатликка ва рўзғор юмушларига доир маслаҳатлар, кроссвордлар ва теледастур чоп этиладиган газетада маҳалла фаолиятига доир бирон муаммо кўтарилибди-да, деб ўйладим. Аммо...

МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИ: У 5000 СЎМ ЭВАЗИГА МУҲОКАМА ЭТИЛАДИМИ?

ёхуд «Леди» ҳафталик газетасининг маҳалла тизими фаолиятини қандай талқин эта олиши хусусида

ДЛЯ ЧЕГО НУЖНА МАХАЛЛЯ?

костылях. Инвалидную группу мы были средства на лечение. В общем, все запасы наши исчерпались. Здоровье мужа ухудши- лось. Я заняла деньги, положила щим людям мой муж н он получил на госпред гите вед мен Я р бол див щийся кол «Нет вам

Газетада «Маҳалла нима учун керак?» сарлавҳа остида Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи Наталья Тюрина исм-шарифли аёлнинг шикоят мазмунидаги мурожаати чоп этилган экан. Аёлнинг ёзишича, унинг эри мияга қон қуйилиши оқибатида икки йилдан бери бетоб, қўлтиқтаёқ ёрдамида базўр юради. Беморга ногиронлик нафақаси расмийлаштирилмаган. Сабаби, уни касалхонада даволатишга оиланинг қурби етмас эмиш. «...Ахир эримни даволатиш учун маблағдан ташқари, уни парвариш қиладиган одам ҳам керак, — дея ёзғиради аёл. — Эримнинг ота-онаси йўқ. Катта қизим Россияда, 17 ёшли ўғлим эса ҳали талаба. Мен оила боқувчиси сифатида ишимдан воз кечолмайман...» Ана холос! Беморнинг ота-онаси йўқ бўлса, хотини, қизи, ўғли бор экан-ку? Уларнинг бетоб оила аъзоси тақдирида иштироки, бурчи бўлиши шарт-ку! Оиланинг катта фарзанди Россияда экани ночор ҳолдаги отанинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганига баҳона бўла оладими?

Хуллас, аёл ўзи техник ходим бўлиб ишлайдиган касалхонага бемор эрини имтиёзли тарзда даволанишга ётқизибди. Текширишлар натижасида беморда яна бир касталик — кўз қон босими ва катаракта борлиги маълум бўлган. Аёл бундан кейинги хатти-ҳаракатлари тўғрисида шундай ёзади: «Шундан кейин мен ўз муаммоларим билан А.Навоий номидаги кўчада жойлашган маҳаллага бордим ва биринчи марта ёрдам сўрадим. Лекин маҳалла раиси менга рад жавобини берди. Унинг тушунтиришича, маҳалла фақат ишловчилар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатар экан. «Эрим ишлолмайди, у ахир бетоб», — дедим мен. Раис «У ҳолда эрингиз меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли нафақа олиши керак», деди. «Пенсия олишимизга сиз ёрдам беринг, ахир», деб илтимос қилдим мен. «Йўқ, бу борада ёрдам беролмаймиз, — деди раис. — Эрингиз пенсия ола бошлагандан кейин келсангиз, ёрдам берамиз». Маҳалла раиси бутун сухбатимиз давомида менга қонунлар жамланган қалин китобни кўрсатиб, нима учун менга ёрдам беролмаслигини тушунтирди, аниқроғи, у менга ёрдам беришни истамади. Шу тарика маҳалламиздан ҳафсалам пир бўлди, энди асло у ерга ёрдам сўраб мурожаат қилмайман. Ваҳоланки, маҳаллалар фаолияти ҳақида кўп гапиришади, ёзишади, телеэкранда кўрсатишади. Аслида, унинг зиммасидаги ишлар фақатгина байрамларни ташкил этиш ва ободонлаштириш ишлари учун маблағ йиғишдангина иборат экан, шекилли...»

Қаранг, Н.Тюрина маҳаллани, маҳалла раисини ёмонотлиқ қилиш пайида ўз сўзига ўзи қарши чиқмоқда, яъни «раис менга ёрдам беролмаслигини қонун асосида тушунтирди», деб туриб, яна «аниқроғи, раис менга ёрдам беришни истамади», дея тескари хулоса ясамоқда.

Кўриниб турибдики, Н.Тюрина маҳалла фаолиятига оид ҳеч қандай маълумот, тушунчага эга эмас. У ҳатто айнан қайси маҳалла раисига мурожаат қилганини, яъни ўзи истиқомат қилаётган маҳалланинг номини ёхуд раиснинг исми-шарифини, мурожаат санасини кўрсатмаган. Аёл бетоб эрининг ногиронлик нафақасини расмийлаштириш аввало, ўзи, оиласи зиммасидаги вазифа эканини, ана шу жараёндан кейинги маҳалладан ёрдам сўраш ўринли эканини англамай, йиғин раисини ўзига ёрдам беришни истамаганликда айбламоқда. Қолаверса, аёлнинг эри расман ногирон деб тан олиниши учун катта маблағ кераклигини рўкач қилиши ҳам гўё куни кеча «осмондан тушган» одамнинг гапига ўхшайди. Нима, мамлакатимизда ҳар бир фуқарога бепул тиббий хизмат кўрсатилиши кафолатланганини билмайдими у?

Бу ўринда кишини энг таажжубга соладигани — Н.Тюринанинг ўринсиз эътирозлари билан бир маҳалла фаолиятига, унинг масъул ходими фаолиятига ишончсизлик билдираётганигина эмас, балки «Леди» газетаси масъулларининг мурожаатда баён этилган масала моҳиятини, унинг ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилмай турибоқ, чоп этишганидир. Устига-устак, таҳририят яна қуйидаги мазмундаги (бизнингча, мутлақо ўринсиз) мулоҳаза, саволларни муштарийлар ҳукмига ҳавола этмоқда: «Хўш, маҳалланинг қандай имкониятлари бор ва у нима учун керак? Ҳурматли муштарийлар! Маҳалла энг аввало инсон манфаатига эътибор қаратиши керакми ёки бу вазифа унинг ваколатлари доирасига кирмайдими? Борди-ю, кимдир Н.Тюрина каби муаммога дуч келган бўлса, бизга ёзиб юборинг: балки сизнинг ҳолатингизда одатда маҳалла комитети ишлайдиган иш услуби бошқача бўлгандир. Сизларнинг маслаҳат ва таклифларингизни кутамиз. (70-саҳифадаги ютуқли купонни тўлдиринг)». Ана холос! Маҳалланинг фаолиятидан кир қидирган хорижликлардан қутулиб, маҳалла ишини билиб-билмай шов-шув кўтарадиган ҳамкасбларимизга тутилдик шекилли?! Ахир бу саволларга юртимиз раҳбари, тизим фаоллари жавоб топиб қўйишганидан буён қанча тонглар отди-ку. Қолаверса, маҳалла асрлар оша яшаб келаётган тузилма, энг муҳими, унинг асосий хусусияти — инсонпарварлик, одамийлик борасидаги фаолияти бутун тарихи давомида айнан бугун том маънода ривожланиб, кенгайиб бораётгани кўз ўнгимизда бўлса. Ёки «Леди» газетаси ижодкорларининг юртимиз ҳаётидан хабардорликлари шу даражада ҳаминқадармикан?

Ҳа, нафақат фарғоналик фуқаро Н.Тюрина, балки нашр мутасаддиларининг ўзлари ҳам маҳалла тизими ваколатлари доираси, тизим фаолиятида кейинги йилларда юз берган ислоҳот ва янгиланишлардан жилла қурса, умумий тушунчага эга эмаслар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими ҳақида сўз кетганда «маҳалла фуқаролар йиғини» ибораси ўрнига аллақачоқ истеъмолдан чиққан ва маҳалланинг бугунги мавқеи ва фаолият доирасини мутлақо бузиб ифодаловчи «маҳалла комитети» деган иборани ишлатишнинг ўзиёқ нашрнинг жамиятимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга оид билимлар борасида анчайин «билмасвой»лигини англатмайдими?!

Биз Н.Тюринанинг «А.Навоий номидаги кўчада жойлашган маҳаллага ёрдам сўраб бордим», деган сўзларидан мўлжал олиб, Фарғона шаҳрида Алишер Навоий номидаги кўчада жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларининг манзилларини жамлаб, ҳар бир йиғин раиси билан телефон орқали бирма-бир боғландик. Шу тарика Н.Тюринанинг Фарғона шаҳридаги Нодирабегим номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида, А.Навоий номидаги кўча 82«а»-уй 80-хонадонда истиқомат қилиши, йиғин раиси Дилфуза Ходжаевага апрель ойининг бошида мурожаат қилгани ойдинлашди. Дарҳақиқат, Н.Тюрина йиғин раисига эрининг икки йилдан буён бетоб ётгани боисидан ёрдам кўрсатилишини сўраб, оғзаки мурожаат қилган, лекин ўз илтимосини бирон-бир ҳужжат билан қувватлай олмаган. Йиғин раиси унга тегишли низом ҳужжатлари талабларига кўра, йиғиндан моддий ёрдам сўровчи фуқаро тегишли ҳужжатлар тақдим этиши лозимлигини, энг аввало, беморнинг меҳнатга лаёқатсизлиги хусусида тегишли тиббий хулоса талаб этилишини тушунтирган. Н.Тюрина тиббий хулоса йўқлигини айтгач эса, йиғин раиси «У ҳолда эрингизнинг охирги меҳнат жойига йиғин номидан хат билан мурожаат қилайлик», дея таклиф қилган. Н.Тюрина эри бирон ташкилот ёки муассасада расман ишламай, вақти-вақти билан ёлланма ишчи сифатида ишлаганини айтиб, бу таклифни рад этган. Раис Н.Тюрина оиласига бирон тадбиркорни бириктиб қўйиш ҳақида гап очган экан, лекин бу таклифга ҳам у рўйхушлик бермаган эмиш.

— Маҳалламизда 4150 нафар фуқаро истиқомат қилади, — дейди Д.Ходжаева. — I, II гуруҳ ногирони бўлган фуқаролар сони 60 нафардан ортади. Шундай оилалар ҳам борки, бир эмас, иккита ногирон фуқаро яшайди. Бундай оилаларга, айниқса, сил касталигининг оғир кечадиган турига чалинган фуқароларга мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатилади. Н.Тюрина каби фуқароларга ҳам ҳомийларни жалб қилган ҳолда моддий-маънавий кўмак кўрсатишга ҳаракат қиламиз..,

Бу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳалла йиғини ночор аҳволдаги фуқарога йиғин имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қанча ёрдам қилса, нур устига аъло нур. Биз йиғиннинг бу борадаги сайъ-ҳаракатларини асло чеклаш тарафдори эмасмиз. Йиғин раиси, фаоллари қаровчисиз қолган бемор маҳалладошини шифохоналарга етаклаб элтган, унинг шифо топишида бевосита иштирок этаётган ҳолатлардан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Лекин мурожаатда баён қилинган ҳолатда бемор бутунлай қаровчисиз қолган эмас-ку. Қолаверса, йиғин раиси Н.Тюрина оиласига моддий-маънавий кўмак кўрсатиш масъулиятини ўзидан соқит қилмаяпти.

Яна «Леди» газетасининг Н.Тюринанинг мурожаатига ёндашуви масаласига қайтсак. Тўғри, ҳар қандай нашр ўз муштарийси мурожаатига бефарқ бўлмаслиги шарт. Н.Тюринанинг мурожаати маҳалла тизими фаолиятини яхши билувчи мутахассис изоҳи билан чоп этилганда эди, газета нашр қиёфатида жамият ва ўз муштарийлари олдидаги масъулиятини тўғри адо этган бўларди, яъни асоссиз мурожаат туфайли оммада маҳаллалар фаолияти тўғрисида чалкаш тасаввур туғилишига сабаб бўлмасди.

Газетада ютуқли купон ҳам чоп этилиб, «Муҳокама қиламизми: Маҳалла нима учун керак?» мавзусида ўз мулоҳазасини йўллаган муштарийларга 5000 сўм миқдорида мукофот ваъда қилинган. Муштарийларнинг фикр-мулоҳаза билдириш борасидаги фаоллигини ошириши хайрли иш, албатта. Лекин, ваъда қилинган маблағ эвазига мантиққа, қонунга зид мулоҳазалар айтилса-чи?..

Газета томонидан жамоатчиликка қарата «Маҳалла нима учун керак?» қабилида савол қўйилиши ҳам нотўғри. Тан олиниши жоизки, маҳалла жамиятимизга, халқимизга нималар учун керaклигини унинг йилдан йилга ортиб бораётган ижтимоий-сиёсий мавқеи, мустақиллик йилларида фуқаролар турмуши фаровонлигини оширишда, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилинишида тутган ўрни орқали аниқ намоён этиб улгурди. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, юртимизда мавжуд бўлган ўн мингга яқин фуқаролар йиғинлари фаолиятида муваффақиятлар, ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар, танқид ва таҳлилга арзигулик ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳолатлар оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик эътиборига асосли, холис ва мазмун-моҳияти ўрганилган ҳолда етказилиши шартки, токи беъмани шов-шув ва тахминларнинг урчишига эмас, муаммонинг ечимига хизмат қилсин.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Саломатмисиз, маҳалладош?

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Жиззах вилояти

Оилада тиббий маданиятни ошириш, репродуктив ёшдаги аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг соғлом вояга етишини таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва спортни оммалаштириш борасидаги чора-тадбирлар истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосини ташкил этмоқда. Бу йўналишдаги ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилишида бундан ўн беш йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ ташкил этилган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг ҳам муносиб улуши бор.

Айнан жамғарма тизими томонидан жойларда давлатга қарашли бўлмаган мактабгача таълим муассасалари тармоғини ташкил этиш, кўп фарзандли оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, тиббий-ижтимоий патронаж тизимини мувофиқлаштириш, ёш авлодни соғломлаштириш ва болалар спортини ривожлантириш борасида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу йўналишдаги вазифалар ижроси жамғарманинг Жиззах вилояти бўлими фаолияти мисолида таҳлил қилинса, бир қатор тадбирлар самараси яққол намоён бўлади. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида Жиззах шаҳри, Фориш ва Зарбдор туманларида истиқомат қилаётган репродуктив ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирларнинг 3205 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди. 1264 та оилага патронаж ёрдами кўрсатилди. Маҳаллаларда кенг жамоатчилик иштирокида тиббий маданиятни ошириш, организмда йод етишмовчилиги ва камқонлик келиб чиқишининг олдини олиш мавзуида давра суҳбатлари ўтказилиб, хайрия йўналишида келтирилган дори-дармонлар, санитария-гигиена воситалари, махсус тиббий қўлланмалар тарқатилди. Шунингдек, айнан шу тадбирлар доирасида Зомин туманида истиқомат қилаётган фуқароларнинг 20 нафарига, вилоят марказида ўз фаолиятини бошлаган замонавий жиҳозланган диагностика марказига бепул йўлланма берилди. 4 нафар ногирон фуқарога ногиронлар учун махсус аравача ҳадя қилиниб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар улашилди.

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими, ички ишлар ва адлия бошқармалари билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ташкил этилган «Организмда йод етишмовчилиги оқибатида келиб чиқадиган касалликлар», «Никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг аҳамияти», «ОИТС ва гиёҳвандлик оқибатлари», «Оилада тиббий маданиятни ошириш», «Оила — жамиятнинг муҳим бўғини» мавзуларидаги давра суҳбатлари ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур тадбирлар доирасида ҳам ўсмир ёшлар учун махсус тиббий кўрик йўлга қўйилди.

Булардан ташқари, жамғарма томонидан ҳудуддаги барча даволаш муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бунинг самарасида шаҳар ва туманларда «Оналар мактаби» таянч пунктлари фаолияти яхшиланиб, ёш оналар фарзанд тарбиясида керакли кўникма ва маслаҳатларни олмоқдалар.

Жамғарманинг беғараз ёрдамидан 22-сонли «Меҳрибонлик» уйи, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, хизмат бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг фарзандлари, Зомин, Фориш туманлари ва Жиззах шаҳридаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ҳарбий қисмларнинг аскарлари ҳам бахраманд бўлишди.

Туғма нуқсони бор болаларни соғломлаштиришга ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор берилмоқда. Жорий йил бошидан буён лаб-танглай аъзоларида нуқсони мавжуд болаларнинг беш нафари мураккаб жарроҳлик амалиёти туфайли нуқсондан фориғ бўлди. Яна йигирма нафар бемор жарроҳлик муолажасига тайёрланяпти.

Жамғарма ўз фаолиятини доимо сарҳисоб қилиб боради. Бу янги режа ва вазифаларни белгилашда энг муҳим омилдир.

Нодира КАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлимининг ижрочи директори.

Тошкент шаҳри

Учтепа туманидаги Гузар маҳалласи ҳудудидаги аҳоли яшайдиган турар-жойлар 29 та кўпқаватли уйлардан иборат. Аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишни яхшилаш учун ҳудудда 6 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият юритмоқда. Маҳалла йиғини мутасаддилари ширкатларнинг фаолиятидан, муаммоалридан ҳамиша бохабар. Яқинда ҳудуддаги «Мардли-сервис» ХУМШ хизмат кўрсатувчи кўпқаватли уйларнинг сув тармоқларини таъмирлаш ва созлаш ишлари учун 1,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

СУРАТДА: *Гузар маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Карим Шомуродов (ўртада) «Мардли-сервис» ХУМШ раиси Дилшод Силамбоев (чапдан биринчи) ва ширкат чилангарлари билан навбатдаги юмушларни режалаштирмоқда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

«... Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар (хизмат)нинг, шу жумладан бутловчи буюмларнинг нормал ишлашини (қўлланилишини, улардан фойдаланилишини) таъминлаши шарт.

Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим...»

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасидан.

Тошкент вилояти

Ташаббуснинг қаноти бор

ТОМОРҚАДАН ҚАНЧА ҲОСИЛ ОЛАСИЗ?

Маълумки, бугунги кунда юртимизда яшовчи аҳолининг аксарият қисми ўз томорқа ерларига эга. Ана шу шахсий томорқа ерларида мўл ҳосил етиштириб, аввало рўзғорини бут қилаётган, қолаверса, эҳтиёждан ортган қисмини бозорга олиб чиқиб, қўшимча даромад топаётган юртдошларимизни кўрганда беихтиёр ҳавасимиз келиши табиий.

Ҳа, бугун ерга муносабат ўзгарди. Ер эгаси, яъни мулкдорлар қатлами шаклланди. Шундай бир шароитда пешона тери билан меҳнат қилиб, шунга муносиб рағбат олишни ким ҳам истамайди дейсиз?! Томорқа-ку ўз йўлига, ҳатто ўзи истиқомат қиладиган кўпқаватли уй ҳовлисидаги бир қарич ерни ҳам бўш қўймай, турли зиравору қўкатлар ёхуд анвойи, хушбўй гуллар экиб, кўпнинг олқишини олаётган юртдошларимиз, маҳалладошларимиз камми? Демак, халқимизда меҳнат қилишга, юртни обод ва кўркам этишга иштиёқ кучли.

Бироқ, таассуфки, баъзи жойларда фуқароларимизнинг томорқа ерларидан унумли фойдалана олмаётгани, тўғрироғи, баъзида лоқайдлик, баъзида дангасалик сабаб ўз шахсий томорқа ерларини бўш қўяётганига ҳам дуч келиб қоламиз. Хўш, бундай ҳолатларга нисбатан қандай муносабатда бўлишимиз, аҳолига ўз томорқа ерларидан янада самарали фойдаланишлари учун қандай амалий ёрдам кўрсатишимиз лозим?

«Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан бу борада кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят ҳудудидаги мавжуд томорқа ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қайси турларини етиштириш мумкинлиги ҳисобга олиниб, бу борадаги имкониятлар ўрганиб чиқилди. Натижада, кам таъминланган оилаларга томорқа ишини юритиши учун 2500 туп олма, 1000 туп терак дарахти кўчатлари ҳамда полиз маҳсулотлари уруғи, жумладан, 320 кг қовоқ уруғи тарқатилди. Аҳоли томорқаларида баҳорги экинларни экиш ишлари якунланмоқда. Бунда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаолларининг масъуллигида бир талай ишлар амалга оширилди.

— Томорқалардан самарали фойдаланиш ҳам томорқа эгасига, ҳам истеъмолчиларга наф келтиради, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Комилжон Шодиметов. — Чунки томорқадан олинган ҳосил билан оилани боқиш мумкин. Қолаверса, маҳсулот бозорга чиқариб сотилса, уни халқимиз нисбатан арзонроқ нархларда харид қилади. Томорқа эгаси эса даромад кўради. Ҳозирда томорқасида меҳнат қилиб, мўл ҳосил олаётганлар оз эмас. Улар томонидан етиштирилган маҳсулотлар бозорларда, маҳалла дала-дўконларида сотилмоқда.

Сир эмас, баъзи хонадон томорқалари қаровсиз ётибди. Ваҳоланки, ушбу майдонларда ҳам экин экиш ёки боғ яратиб, мўл ҳосил етиштириш имкони мавжуд.

— Биз томорқамизга қандай экин экишимиз лозим эканлигини ва ундан қанча ҳосил етиштиришимиз мумкинлигини билишимиз лозим. Шунда томорқадан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ҳамда олинаётган даромадимизни янада кўпайтиришга эришамиз, — дейди Комилжон Шодиметов. — Шу мақсадда вилоятдаги маҳаллалар ҳудудидаги томорқаларнинг хусусиятлари ўрганиб чиқилиб, таҳлил этилди. Айрим фуқаролар яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, банклардан микрокредитлар олиб, томорқани даромад кўриш манбаига айлантираётган бир пайтда баъзи оилалар учун ажратилган ер майдонларининг бўш ётганини қандай изоҳлашни билмайсан киши. Ваҳоланки, ерга ишлов бериб, уни яшнатиш, рўзғор учун зарур бўлган маҳсулотларни ўз қўли билан етиштириш ниятида бўлган фуқаролар ҳам давлатимиз, ҳам жамоатчилик томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти. Ушбу хулосалардан келиб чиқиб, айни пайтда вилоят ҳудудида кенг кўламдаги чора-тадбирларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган. Шу жумладан, томорқа учун ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиб, мўл ҳосил етиштираётган, чорва моллари ва парранда боқишни йўлга қўйиб, энг кўп маҳсулот олиб, катта даромад кўраётган тадбиркорларни аниқлаш мақсадида вилоят миқёсида «Намунали томорқа эгаси» кўрик-танловини эълон қилдик. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларида томорқа эгаларининг аниқ ер майдонлари ҳисобини юритаётган, маҳалла ҳудудида қаровсиз, бўш қолган майдонлар бўлмаслигига эришаётган ва томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил қилаётган фидойи маҳалла оқсоқоллари ҳам кўрик-танловда иштирок этиши мумкин.

Айтиш жоизки, кўрик-танлов якунига етгач, бу борада эришилган илғор тажрибаларни даставвал вилоят, кейинчалик юртимиз миқёсида оммалаштириш назарда тутилган.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент шаҳри

Эҳтиёткорлик — шарт!

УЙ ҚУРИШДА ҚОИДАГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида мамлакатимизда замонавий иншоотлар қад ростламоқда. Айни чоғда юртдошларимизнинг кўркам турар-жой бинолари, иморатлари ҳам юртимиз чиройига чирой қўшяпти. Бироқ мазкур турар-жой бинолари кўркам ва муҳташам бўлиши билан бирга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қанчалик амал қилган ҳолда бунёд этилган?

Қолаверса, кўпқаватли уйлар теварагида ўзбошимчалик билан ташкил этилган томорқа хўжаликлари, йўл устида ўрнатилган темир козиқлар, сунъий тўсиқлар, хонадонлар олдидаги енгил темир хиёбонлар ҳамда қурилиш қоидалари ва меъёрларига риоя қилинмай иморатлар бунёд этиш ёхуд кўпқаватли уйларнинг лойиҳасига ўзгартиришлар киритиб олиш ҳолатлари ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зиддир. Гап шундаки, кўпқаватли уйларда фавқулодда ҳодисалар юз берганда ушбу тўсиқлар туфайли ёнғин ўчириш автомашиналарининг ҳаракатланиши қийинлашиши ва ёнғин жойига ўтиб, сув манбаларини узатиш имкониятлари чекланишига сабаб бўлади.

Бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан Бектемир тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари, туман муҳандислик идоралари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда аҳоли яшаш жойлари ва аҳоли кўп йиғиладиган масканларда амалга оширилиши лозим бўлган кенг қамровли тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Равшан ЖЎРАЕВ,
Бектемир тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, подполковник.

Сидарё вилояти

Ҳар йилинда ҳар юмуш

ОГОҲ БЎЛГАНГА ОФАТ ДОРИМАС!

ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг лойиҳаси асосида табиий офатлар таҳликасининг олдини олиш борасида ҳамкорлик лойиҳасига Сирдарё вилоятидаги олтита маҳалла ва уларнинг ҳудудидаги мактаблар, болалар боғчалари ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари тўлиқ жалб этилган. Мазкур лойиҳа талаблари асосан Гулистон туманининг Бешбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида амалга оширилмоқда.

«Маҳалланг тинч — сен тинч» мақоли бугунги кунда бешбулоқликларнинг кундалик шиорига айланган. Сабаби, ушбу маҳалла Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, сув қирғоқни ювиб кетиши оқибатида тошқин, ер ўпирилиши каби табиий офатлар юз бериш эҳтимоли мавжуд.

Бешбулоқ қишлоғи Гулистон туманидаги катта қишлоқлардан бири. Бу қишлоқ аҳолиси 1926-30 йилларда Жиззах вилояти Зомин туманининг Гулистон номли қишлоғидан Мирзачўлни ўзлаштириш мақсадида кўчиб келган. Бу ер бугунги кунда кишининг ҳавасини келтирадиган даражада обод ва гўзал маконга айланган. Ўтган давр мобайнида қишлоқ кенгайди, аҳолиси сони ўсди, одамларнинг турмуши фаровонлашди.

Бугунги кунда қишлоқ йиғини ҳудудида учта маҳалла, учта умумтаълим мактаби, битта қишлоқ врачлик пункти, қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи, ўттиздан ортиқ деҳқон фермер хўжаликлари, кўплаб савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва маданият масканлари мавжуд.

— Қишлоғимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, — дейди Бешбулоқ маҳалласи оқсоқоли Бахтиёр Жониқулов. — Унинг янада обод бўлишини ҳар бир қишлоқдошимиз чин дилдан истайди. Шу боисдан ҳам ЮНИСЕФ ва Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг табиий офатлар таҳликасининг олдини олиш тўғрисидаги ҳамкорликдаги лойиҳасида қатнашишни бешбулоқликлар қўллаб-қувватлашди.

— Қишлоқда лойиҳа асосида ўқув-тактик машғулотлар ўтказилиб, ҳудуддаги мактаблар, коллежларнинг ўқувчилари лойиҳанинг фаол тарғиботчилари бўлишди, — дейди мазкур лойиҳанинг Сирдарё вилоятидаги ижроси бўйича мувофиқлаштирувчиси Рустам Бойбеков. — Шифокорлар биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш қоидаларини ҳар бир иштирокчига батафсил тушунтирдилар. Бешбулоқликлар лойиҳа талаблари ижросига жиддий ёндашдилар ва ишонч билан айтиш мумкинки, бу вазифани аъло даражада уддаладилар.

Қишлоқнинг ҳар бир гўшасида — хоҳ у мактаб ёки маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси бўлсин, барча жойда табиий офатларнинг олдини олиш билан боғлиқ плакатлар, кўргазмали ташвиқот воситаларига кўзингиз тушади. Боғча тарбияланувчисидан тортиб қарияларгача табиий офатлар пайтида ўзини қандай тутиш, қандай чора қўллаш лозимлиги ҳақида кенг тушунчага эга.

Тошпўлат ХАЙИТБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Дўстлик кечаси

Хоразм вилояти

... Воҳа бўйлаб давом этган "Ўзбекистон—Ҳиндистон" дўстлик кечаси учрашувларининг якуний тадбири Хива шаҳрининг марказий ўйингоҳида бўлиб ўтди.

БИР ЁНДАН ҲИНД НАВОСИЮ, БИР ЁНДАН "ЛАЗГИ"

Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Ранжан Сканд Тайал ўзбек халқи ҳинд халқи билан азалдан дўст-қадрдон бўлиб келгани, бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда амалга оширилган улуғвор ишлар, бунёдкорликлар, Хоразм фарзанди, буюк аллома, шоир, курашчи Паҳлавон Маҳмуднинг ҳинд элида кўрсатган матонати, Ҳиндистон давлати Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганлиги ва ўзаро дўстона муносабатлар изчил давом этиб бораётганини таъкидлади.

— Биз учрашувлар чоғида ўзбек маҳаллалари ҳаёти билан ҳам танишдик, — дейди жаноб Ранжан Тайал. — Маҳаллалардаги ўзаро меҳр-оқибатнинг мустаҳкамлиги, аҳиллик, орасталикка, покизаликка интилиш, ҳовлилар олдида ишкомлар, гулзорларнинг яратилганлиги бизни ҳайратга солди. Ўзбек тўйлари ҳам худди ҳинд диёридаги каби кенг даврада, хушчақчақлик билан ўтар экан.

Ўйингоҳда ўзбек ва ҳинд халқи тароналари янгради, жозибадор рақслар намойиш этилди. "Қалбан ҳиндистонликман" деб номланган саҳна кўриниши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ҳиндистоннинг юртимиздаги элчихонаси қошида ташкил этилган Лаъл Баҳодир Шастри ҳинд маданият марказининг "Болливуд" гуруҳи ижрочилари ва хоразмлик таниқли санъаткорлар, ёшларнинг чиқишлари кеча иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади. Айниқса, машҳур ҳинд киноактёри ва режиссёри Раж Капурнинг фильмларда ижро этган қўшиқларидан қўйиб эшиттирилган лавҳалар гулдурос қарсаклар билан олқишланди.

"Хоразм лазгиси" янграганда ҳиндистонлик меҳмонлар ҳам беихтиёр рақсга тушиб кетишди. Майдон узра Ўзбекистон ва Ҳиндистон мамлакатлари байроқлари ҳилпиради.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Эй сиз одамлар, эсиз одамлар-а...

«ҚАРЗДОР ҚАРОҚЧИЛАР»

Юртимизда ёшларга ўз иқтидор ва имкониятларини тўлиқ намойиш этишлари учун барча шароитлар яратилган. Уларнинг бундан унумли фойдаланиб эришаётган ютуқлари барчамизни қувонтиради. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ёшлар орасида ҳам бировнинг мулкига кўз олайтирувчилар, билиб-билмай жиноятга қўл ураётганлар, афсуски, учраб турибди.

Пойтахтимизда жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юртларига республикамизнинг барча вилоятларидан ёшлар келиб таҳсил олишади. Албатта, ҳар бир ота-она фарзандини катта шаҳарга орзу-ҳаваслар билан жўнатади. Бухоролик 1987 йилда туғилган Қўлдош Астанаев, Шерали Сафаев, 1988 йилда туғилган Фаррух Қўчқоров ва Улуғбек Қаландаровларни ҳам ота-оналари яхши ният, ишонч билан ўқишга жўнатишган эди. Лекин улар бу ишончни оқламай, нафақат ўзларининг, балки ота-оналарининг юзларини ҳам ерга қаратишди.

2007 йилнинг 10 июнь куни кечки пайт фуқаро А.Каримов «Матиз» русумли автомашинасида уч-тўрт нафар йўловчини манзилига элтиб қўйгач, Миробод туманидаги Транспорт коллежи олдидан ўтаётганда йўл четида турган йигит қўл кўтарди. Фаррух ундан икки ярим минг сўм эвазига Чилонзор туманининг 23-мавзесига олиб бориб қўйишни сўради. Савдо пишгач, нарирокда турган дўсти Қўлдош машинанинг олд, Фаррух эса орқа ўриндиғига ўтиришди. Йигитлар дилкашгина экан, йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетишди. Ҳар иккиси ҳам Миробод Саноат касб-ҳунар коллежи талабаси бўлишларига қарамай, ҳайдовчига Фаррух Миллий университетни тугатганини, Қўлдош эса Тошкент автомобиль йўллари институтида ўқишини айтди. Манзилга етиб келишганда соат тунги 00.30 лар атрофида эди.

— Бироз кутиб турасиз, ака. Ҳозир йўл ҳақини олиб чиқаман, — деди Қўлдош ва югурганча кўпқаватли уйлар оралаб кетди. У орадан ўн дақиқа чамаси вақт ўтиб Улуғбек исмли йигит билан қайтиб келди.

— Фаррух, сен Улуғбек билан гаплашиб тургин. Ҳайдовчи акамизда гапим бор, — деди Қўлдош машина ичига хиёл энгашиб. Ўртоғи тушиб кетгач, машинанинг олд ўриндиғига ўтирди-да, чаққонлик билан калитни суғуриб олди. Воқеанинг бундай тус олишини кутмаган ҳайдовчи эсанкираб қолди.

— Гапнинг қисқаси, менга жудаям кўп пул зарур. Бировдан 7 миллион сўм қарзим бор, тўлашим керак. Қани ёнингда борини тезроқ чиқар, — дея дўқ урди қўлидаги учи ўткир ва қалин симни А.Каримовнинг бўйнига тираб.

Иложсиз қолган ҳайдовчи машинадан тушди. Қўлдош эса уловнинг олд ойнаси олдида турган «Нокиа—6233» русумли уяли телефон аппаратини ва қутидаги 15 минг сўм пулни олиб чўнтагига солди. Кейин эса ҳайдовчи ўриндиғига ўтириб, машинани ўт олдирмоқчи бўлди. Лекин шу пайт бирдан сигнализация қурилмаси ишга тушиб кетди. Кутилмаган шовқин-сурондан қўрқиб кетган тажрибасиз жиноятчи ҳамтовоқларига «Қочдик» деб бақирди, қўлидаги сим ва машина калитини ташлаб, уйлар орасига кириб, кўздан ғойиб бўлди.

Бўлиб ўтган воқеадан карахт ҳолда турган жабрланувчи уларнинг ортидан бироз қувган бўлди, етолмаслигига кўзи етгач, ноилож ортга қайтди. Эртасига эрталаб йигитлардан бирортасини учратиб қолишдан умидвор бўлиб Чилонзор буюм бозорига борди. Бозор ҳудудини обдон айланди, лекин улардан дарак топмади. Кейин воқеа содир бўлган Чилонзор тумани 23-мавзеда жойлашган милиция таянч пунктига келиб, профилактика инспекторига ариза билан мурожаат қилди.

Ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари учун босқинчиларни топиш қийин кечмади. Тезкор кўрилган чора-тадбирлар натижасида улар шу куннинг ўзидаёқ қўлга олинди. Жиноятчилар босқинчилик йўли билан қўлга киритган пулларни бўлишиб олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган экан. Жабрланувчига тегиши қўл телефони эса холислар иштирокида Қўлдош Астанаевдан олинди.

Суд жараёнида Шерали Сафаров айбига иқрор бўлмади. Бироқ адвокат иштирокидаги дастлабки тергов пайтида ўша куни Ўктам исмли таниши билан кетаётиб Қўлдош ва Улуғбекларни кўриб қолгани, уларнинг жиноий режаларини эшитгач, бирга боришга рози бўлиб, ортларидан боргани ва дарахт панасига яширинганча воқеаларни кузатгани ҳақида берган кўрсатмалари унинг айбдорлигини, тергов жараёнида жиноятга шериклигини мажбуран тан олдирилгани ҳақидаги кўрсатмалари эса судни чалғитиш, яъни жиноий жавобгарлик ва жазодан қутулиш мақсадида ўйлаб топилган важ эканини тасдиқлади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа тумани судининг 2007 йил 24 август кунидаги очиқ суд мажлисида Қ.Астанаев, Ф.Қўчқоров, Ш.Сафаровларга оид жиноят иши кўриб чиқилди. Уларга суд томонидан босқинчилик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан жиноий тил бириктириб, ўзганинг мол-мулкини талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари учун тегишли жазо тайинланди.

Жавобгарликдан қочиб қутуламан, деб чучварани хом санаган Улуғбек Қаландаров эса бир қанча муддат яшириниб юрганига қарамай, барибир қўлга тушди. У ҳам тегишли тартибда жиноий жавобгарликка тортилди.

Ёшликни умр баҳорига ўхшатишади. Дарҳақиқат, осойишта, фаровон ва мазмунли ҳаёт кечиришни истаган инсон ёшликдан истиқболи учун тамал тошини қўйиши, билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда, номақбул ишга қўл уриб, умрининг ғанимат лаҳзаларини йўқотган ёшларнинг тақдири кишини ўйга толдиради. Балки оилада, ўқув муассасаларида таълим-тарбия ишлари етарли даражада йўлга қўйилганида, ушбу жиноят содир этилмаган, тўрт навқирон йигит катта ҳаёт остонасидаёқ қоқилмаган бўлармиди?

Бахром ТОШПЎЛАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа тумани судининг судьяси;
Бобур ЭРГАШЕВ,
ЎзМУ магистранти.

18 май — Халқаро музейлар куни

МУЗЕЙ — МОЗИЙ КЎЗГУСИ



Ўзбекистон Давлат санъат музейи нафақат Ўрта Осиёдаги, балки дунёдаги энг йирик музейлар сирасига киради. Юртимизнинг кўп минг йиллик тарихи, бой маданий меросидан сўзловчи, аждодларимиз томонидан яратилган қадимий ашёлар, битиклар, кийим-кечак ва зебзийнатларни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказишда унинг ўрни беқиёсдир.

65 минг экспонатли музей

Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи ўтган асрнинг йигирманчи йилларида ташкил қилинган.

Ҳозирги кунда музей замонавий 3 қаватли бинода жойлашган. Унда 75 нафар ишчи меҳнат қилади. Музейда 6 та бўлим фаолият кўрсатиб келмоқда. Музей хазина бўлимида эрамиздан аввалги III асрдан то ҳозирги давримизгача оид бўлган 65 мингдан зиёд экспонат мавжуд.

Таъкидлаш керакки, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган Ўзбекистон музейлари фестивалининг «Ўзбекистон тарихига оид ноёб экспонат эгаси» номинациясида Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи ғолиб, деб топилган.

СУРАТДА: *Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи бош мухофизи Эркин Қорабоев эрамиздан аввалги 300-400 йилларда ўлкамизда яшаган сак қабилалари жангчиларининг қуролини ўқувчиларга намойиш қилмоқда.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

Музей 1918 йилда Тошкентда яшаган князь Н.К.Романовнинг шахсий коллекцияси (тасвирий санъат асарлари, портрет ва тарихий полотнолар, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари, мебель, чинни буюмлар сингари юзга яқин экспонатлар) замирида вужудга келган. У дастлаб Халқ университети музейи, кейинроқ Тошкент Марказий бадиий музейи деб номланган. Музей фонди Туркистон ўсимликшунослик музейининг бадиий бўлимидан олинган экспонатлар, маданиятни қадрловчи баъзи амалдорлар ва рассомларнинг ҳадялари ҳисобига бойиб борди. Шунингдек, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардаги музейлардан ҳам кўплаб экспонатлар келтирилган. 1924 йилга келиб музей фондида 116 та XVIII-XX аср бошларигача, 250 та 1917 йилга қадар Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган рассомларнинг нодир асарлари бор эди.

Музейдаги тасвирий санъат асарларининг асосий қисмини Ў.Тансиқбоев, А.Абдуллаев, Л.Абдуллаев, Ш.Ҳасанова, Ч.Аҳмаров, Р.Аҳмедов, Н.Қўзибоев, С.Абдуллаев, Р.Чориев каби ўзбек рассомларининг асарлари ташкил этади. Бундан ташқари, кўргазмалар залида Европа, Осиё ва Шарқ мамлакатлари рассомлик мактаблари намояндаларининг ҳайкалтарошлик, графика, амалий санъат йўналишида ишлаган асарлари ҳам тартиб билан жойлаштирилган.

Музейдаги ганч, ёғоч ва тош ўймакорлиги намуналари, дурадгорлик, наққошлик, мисгарлик, заргарлик, зардўзлик, гиламчилик, каштадўзлик, кулолчилик буюмлари халқимизнинг қадимий ва бой амалий безак санъатига эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Давлат санъат музейи беш минг квадрат метр майдонга эга. 51 та залда 50 мингдан зиёд экспонат халқ амалий санъати, Ўзбекистон тасвирий санъати, XV-XX аср бошларигача бўлган рус санъати, ғарбий Европа, хорижий Шарқ санъати каби бўлимларда жойлаштирилган.

Ўрта асрларда кулолчилик, ганчкорлик, каштачилик айниқса тараққий этган. Музей залларида Самарқанд, Бухоро, Тошкент усталари томонидан яратилган нақш, ганч ўймакорлигига оид намуналар — деворга, токча, деразаларга ишланган панжаралар, эшик, пештоқ ва устунлар, уй анжомларидан хонтахта, курси, турли идишлар намойиш этиш учун қўйилган. Бухоролик уста, академик Ширин Муродов, тошкентлик Усмон Икромов, самарқандлик Қули ва Рашид Жалиловларнинг ишлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотиши билан ажралиб туради. Шунингдек, музей фондида ўзбек миллий бош кийимларидан бўлган дўппининг юздан ортиқ тури сақланмоқда.

1974 йилда Ўзбекистон Давлат санъат музейи учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кейинги йилларда бу ерда «Ўзбек кулолчилиги», «Заргарлик», «Зардўзлик», «Миллий каштачилик» каби мавзуларда кўргазмалар ўтказилди. Шу билан бирга музейда шахсий кўргазмалар ҳам намойиш этилади. Мамлакатимизнинг турли худудларидан келаётган ва хорижлик зиёратчилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Музей жамоаси томонидан 1996-97 йилларда Американинг бир неча шаҳарларида, 2003 йилда Германия ва Америкада, 2005 йилда Японияда кўчма кўргазмалар ташкил этилган.

Ўзбекистон Давлат санъат музейи билан Петербургдаги этнография, Москвадаги Третьяков музейлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Айни пайтда музей жамоаси томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бунинг учун пойтахтимиз тарихига оид материаллар, археологик топилмалар, тарихий китоблар ва ҳужжатлар тўпланиб, кўргазма ва экспозициялар тайёрланмоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

«ФАОЛЛАР ГУРУНГИ»да

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳридаги Қурлуқ боғот маҳалласида ҳар ҳафтада ўтказиб келинаётган «Фаоллар гурунги»нинг бу галги йиғилиши маънавият масалаларига бағишланди.

Унда моҳир журналист, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Қурбон Эгамбердиевнинг «Меҳр ва қаҳр» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Йиғилганлар китобда турмуш чорраҳаларида, айни шу кунларда учраб турадиган ижобий ва салбий воқеа-ҳодисалар моҳирона қаламга олинганлиги ҳақида тўлқилланиб гапирдилар.

— Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, асардаги ҳар бир ҳикояда айнан маҳаллаларда учраб турадиган воқеалар қаламга олинган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Г.Пиримқулова. — Ундаги ҳаётий ҳикоялар ва чиқарилган хулосалар бугунги ёш оилалар, ҳали турмуш қурмаган йигит-қизлар учун жуда ибратлидир.

Шунингдек, йиғилишда журналист К.Каримованинг яқинда «Қашқадарё» газетасида босилган тўймаракалардаги дабдабабозлик хусусидаги «Бу бир асрлик муаммоми?» мақоласи ҳам муҳокама қилиниб, қимматли фикрлар билдирилди.

Қ.НОСИРОВ

Ҳаётдан олсак сабоқ

Бувимнинг «ФАЛСАФА»си...

Эсимда, адабиёт муаллимимиз Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романи қаҳрамонларини нақадар ҳаётий ва жонли яратгани тўғрисида гапирар экан:

— Ҳаётда Ўзбекойимга ўхшаган аёлларни ҳеч учратганмисиз? — деб сўради.

— Ҳа, менинг бувим шундай аёл, — деб юборибман ўзим ҳам билмаган ҳолда. Чунки романни мутоала қилар эканман, сезиб-сезмай Ўзбекойимнинг феъл-атворини, гап-сўзлари ва оиладаги тутумларини бувимга қиёслар эдим. Бу таққосларим Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедиясидаги Фармонбибига нисбатан ҳам бўларди.

Гарчи бувим бизга эртаклар айтиб бермаган, эркалаб бошимизни силайвермаган бўлса-да, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга жуда катта ёрдам берган экан. Бу оддий ҳақиқатни орадан йиллар ўтгач, англаб етдим. Баъзан келинлар ёлғиз қолишганда бувимнинг ўта қаттиққўллиги ва оилада ўрнатган «темир» интизомидан нолиб қолишарди. Бувим эса уларнинг норозиликларини яхши билар, ўрни келганда «Рўзғорда меъёр, тартиб бўлмаса, оиланинг боши етишмовчиликдан, урушжанжалдан чиқмайди», дегувчи эди. Бузиб бўлмас тартиб-қоидалар барчага баробар бўлгани туфайли гоҳида аммаларим ҳам «Онам намунча қаттиққўл бўлмаса, ахир биз қизларимиз-ку, сал аясалар бўларди», деб қўйишарди. Ҳамма бувимнинг қаттиққўллиги рўзғор бутлиги учун эканини, ҳар бир масалага адолат билан ёндашишини яхши биларди. Айрим қайноналарга ўхшаб майда-чуйда гапларга аҳамият бермаслигини, нима қилса ҳам оила фаровонлигини ўйлаб қилишини келинлари ҳам тан олар, шу боис очиқдан очиқ эътироз билдиришга ҳайиқишарди.

Бувим бор-йўғи учинчи синф маълумотига эга эди. Аммо анча-мунча ҳисоб-китоби жойида бўлган одамни ҳам гангитиб қўядиган рўзғор харажатларини шунчалик аниқлик билан жой-жойига қўярдики, бу ҳақда бобомнинг бош қотириб ўтириши шарт эмасди. У айниқса қизлар тарбиясига алоҳида эътибор берар, «Эрнинг топиб келганини жой-жойига қўйиб, оилани гул қиладиган ҳам, кул қиладиган ҳам аёл. Хотиннинг сариштаси — одамнинг фариштаси, деб бекорга айтишмаган, ахир», дея бот-бот такрорлар, бизларни кичкиналигимизданоқ ишга солиб, рўзғор дарсидан сабоқ беришдан чарчамасди. Кўпинча фарзанд ва турмуш ташвишлари бошимни қотирганда етти нафар ўғил-қизни тарбиялаш, ўқитиш, уйли-жойли қилиш бувимдан қанчалар ирода, сабр-тоқат талаб қилганини ҳис қиламан. Қийинчиликларга, арзимаган муаммоларга ҳам чидолмай ҳасрат қилганларни кўрса, бувимнинг фиғони фалакка чиқарди:

— Отам вафот этганда тўққиз ёшда эдим. Бобом қариб кучдан қолган, тирикчилигимиз томорқадан чиқадиган ҳосил ҳисобидан ўтарди. Ҳосилни туман марказидаги бозорчага олиб бориб сотиш керак. Қиз бола бошим билан ярим тунда узум ва мевалар ортилган эшакни ҳайдаб, пиёда йўлга тушардим. Кун оққанда бозорлик қилиб уйга қайтар, укаларимнинг кирини ювар, овқат пиширардим.

Ҳа, машаққатларга тўла болалик бувимни тоблантирган эди.

Аслида бувим хотираларни сўзлаб, дардини достон қилиб ўтиришни ёқтирмасди. Лекин қўшни келинлар қайноналарининг зуғумидан, кимдир тақдиридан нолиб қолганда, ўзининг машаққатли ҳаётини, боласи ухлаб ётган бешикни бошига кўтариб, кун ёришмасдан далага отланганини, рўзғор юмушларини ухламай тунда бажарганини айтиб бериб, сабрли бўлишга чақирарди.

Қишлоққа борганимда маҳалла аёллари билан суҳбатлашсам, улар албатта бувимни ҳам ёдга олишади. Уларнинг ўрни билинаётганини, бувимдек кайвонилар маҳалла учун жуда кераклигини таъкидлашади.

Ҳаёт ташвишлари туфайли тушкун кайфиятга тушганимда бувимнинг қатъиятли сиймоси кўз ўнгимда гавдаланади. Бувим билан хаёлан суҳбатлашаман ва унинг гаплари қулоғим остида жаранглайди: «Инсон умри давомида жуда кўп қийинчилик ва синовларга дуч келади. Уларни албатта енгиб ўтиш мумкин. Бунинг учун инсонда интилиш ва ирода бўлса, бас».

Шаҳноза ЭРГАШЕВА



Оталар сўзи — ақлнинг кўзи...

Ж.МИРАЛИМОВ олган сурат.

ДОНОЛАРНИНГ ДУРДОНА ФИКРЛАРИ

Сайёднинг балиққа қармоқ ташлаши — нафс муддаоси учун; балиқнинг қармоққа илинмоғи ҳам худди шу бало учун.

Алишер НАВОИЙ

Ўзингга бино қўймай доно, ақл-заковатли бўлишга интил.

ЭПИКУР

Такаббурлик тўғри йўлдан оздиради. Кўнглини кичик тутган, камтарлик йўлида юрган киши улуғликка етади.

Юсуф Хос ХОЖИБ

Инсонлардаги ҳавас улар ўзларини қанчалар бахтсиз сезишларидан дарак беради. Ўзгаларнинг хатти-ҳаракатларига мунтазам диққат қилиш эса зерикишдан далолатдир.

СЕНЕКА

РИНГДА:

Костя ЦЗЮ ва Жеки ЧАН

Бу боксми ё томоша?

Бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони Костя Цзю машҳур актёр ва кунг-фу устаси Жеки Чан билан «жанг» ўтказмоқчи. Мазкур учрашувнинг қачон ва қаерда ўтиши аниқ белгиланган. «Жанг» жорий йилнинг 22 августида «Олимпиада дўстлари уйи»да, яъни Россия Федерацияси Олимпия қўмитасининг расмий қароргоҳида бўлиб ўтади.

— Билишимча, Жеки бу таклифимга дарҳол рози бўлган, — дейди Костя Цзю. — Бироқ айни пайтда бир муаммо мавжуд. Маълумки, Жеки Чан расман Пекин Олимпиадаси рамзи сифатида тан олинган шахс ҳисобланади. Шу боис унинг юзига мушт туширишдан олдин Хитой олимпия қўмитасидан рухсат олиш лозим. Ҳозирда уларнинг жавобини кутяпмиз.

Россиялик боксчининг айтишича, бу учрашув ҳақиқий жанг эмас, балки спорт шоуси тарзида ўтказилади.

— Биз «Ринг қироли»га ўхшаш лойиҳани амалга оширмоқчимиз. Яна бир учрашувни Кличко билан бўладиган жангга тайёргарлик доирасида Саша Поветкин ўтказади, — дейди Костя Цзю. — Менимча, бу кетишда яқин ўртада актёрлар қолиб таниқли сиёсатчилар ҳам рингда кечадиган муштлашувдан юз ўгирмайдиганга ўхшайди. Гарчи жанг кўнгилочар шоу тарзида ўтказилса-да, мен барибир унга жиддий тайёргарлик кўраман.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда ҳамкасблар билан ортиқча баҳс-мунозара ва тортишув сизга фақат зарар келтиради. Ўз билим ва салоҳиятингизни намойиш этиш вақти келди.

СИГИР(22.04-20.05)

Ушбу бурж вакиллари ҳар қандай қийинчиликларга тайёр туришлари лозим. Шанба — ўйлаган мақсад ва режаларингизни амалга ошириш учун қулай кун.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Айни кунларда ўзингизни тадбиркорлик соҳасида ҳам синаб кўришингиз мумкин. Ҳафта сиз учун ҳар томонлама омадли келиши кутилмоқда.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Айрим дўстларингиз томонидан сизга кўрсатилаётган илтифотнинг самимийлигига ишонч ҳосил қилинг. Акс ҳолда ноқулай вазиятга тушиб қолишингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ҳафта кўнгилдагидек ўтиши учун яқинларингиз билан хушмуоамала бўлишга ҳаракат қилинг. Биргина асаббузарлик ҳафта давомида кайфиятингизга ўз таъсирини кўрсатади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Сизни қийнаётган оилавий муаммолар ҳафта сўнгида ўз ечимини топади. Ўйлаган режаларингизни янги ҳамкорлар билан амалга оширишда эҳтиёткорроқ бўлинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Меҳнатсевар ва интилувчанлигингиз сабабли раҳбарият томонидан рағбатлантириласиз. Ёқтирган инсонингизнинг таклифи шахсий ҳаётингизда туб бурилиш ясаши купиляпти.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ушбу бурж вакиллари айни дамда ўткинчи ҳис-туйғуларга берилмаслиги лозим. Феъл-лингиздаги ўзгарувчанлик атрофдагиларга ғайритабиий ҳолдек туюлиши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Яқинларингиз билан эҳтиётли вазиятларни янада чуқурлаштирманг. Акс ҳолда бу улар олдидаги обрў-эътибор ва ҳурматингизнинг йўқолишига сабаб бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ҳафта давомида молиявий жиҳатдан имкониятингиз анча яхшиланади. Яқинларингизга ҳам моддий томондан кўмак беришни унутиб қўйманг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Айни кунларда ижод борасидаги қобилиятингиз бироз пасайиши эҳтимоли бор. Ҳаётда йўл қўйган хатоларингизни оқилона тарзда тўғрилашга ҳаракат қилинг.

БАЛИК (19.02-20.03)

Шу кунларда фаолиятингиздаги маънавий ва жисмоний зўриқиш соғлиғингизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Жума куни ажойиб янгиликлардан воқиф бўласиз.

Маълумки, Ўзбекистон Миллий Олимпиа қўмитаси ва Хитой Халқ Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ўртасида "Олимп сари йўл" шиори остида махсус викторина ташкил этилган эди. Қуйида ушбу викторинанинг "Mahalla" газетаси муштарийлари учун мўлжалланган саволлари билан танишасиз.

"Олимп сари йўл" танлови учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган санаси: _____

2. XXIX Олимпия ўйинларининг ўтказилиш муддати: _____

3. Хитой ва Ўзбекистонда қанча миллат вакиллари бор?: _____

4. Тошкентдаги Хитой институти кимнинг номи билан аталади?: _____

5. "Пекин — 2008" Паралимпия ўйинлари қачон бўлиб ўтади?: _____

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси
Хитой Халқ Республикасининг
Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси
"Олимп сари йўл!" викторинаси ва
Ўзбекистон ОАВ танлови
Олимпиада пойтахти «Пекин 2008»
Сизни кутмоқда!
Ҳамкорларимиз:
ITEM Generitec
Маълумотлар www.olimpic.uz CENTRAL

Танлов саволларига жавоблар газетамизда эълон қилинган кундан бошлаб 29 кун мобайнида почта орқали қуйидаги манзилга юборилади: 100003, Тошкент ш., Олмазор кўча 15/1 уй, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси. Бунда паспорт маълумотлари, касби (ўқиш жойи), уй манзили, телефон рақами, матбуотда чиқарилган купоннинг асл нусхаси (андоза қабул қилинмайди) юборилади.

Утерянные кадастровые документы о регистрации однокомнатной квартиры находящийся в Мирабадском р-не ул. Кунаева дом 29, кв.2. выданная на имя Батраковой Лидии Александровны считать недействительным.

ЧП «TOLZOR» (ИНН 201219804) Учтепинского р-на г.Ташкента ул. Зиё-Саид 128А ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по тел: 247-27-95.

ЧП «MAX KRUG» (код ОКПО 22355790) сообщает о преобразовании в ООО «MAX KRUG». Претензии принимаются в течении 1 месяца со дня публикации по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-не, ул. У.Носыра 64.

Утерянный диплом СВ № 522923 выданный Ташкентской высшей военной школой МВД в 1992 году на имя Алчинбаева Хамза Каримовича считать недействительной.

Тошкент.ш Чилонзор тумани Т.Тўла кўчаси 28-уй 56-хонадон учун Миррахимова Нигора Озадовна номига берилган N 3-342/06 рақамли кадастр бино ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади. тел: 714-54-91.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Шаҳноза Абдувалиева
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 14 май 20 (622)

17659 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-420 1 2 3 4 6 Топширилди — 22.10